

Замонавий ўқитиш методларидан фойдаланишнинг афзалликлари.

ТермДУ.ўқ. Бердиева. Ҳ.Б

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунончи мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавқулотда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал этувчи малакали мутахасисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндошув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Ҳозирги пайтда, фан ва маданиятнинг энг сўнгги ютуқлари асосида келажагимиз бўлган ёш авлодни ҳаётга тайёрлашнинг самарали шакл ва услубларини излаш ниҳоятда зарурдир. Мамлакатимиз ривожланишининг муҳим шарти замонавий иқтисодиёт, фан-техника, технологиялар ривож асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимнинг амал қилишга эришишдан иборатдир. Педагогика фанида кун тартибига «қандай қилиб самарали ва натижали ўқитиш керак?», -шаклида муаммосининг қўйилиши таълим жараёнининг технологиялаштирилишига, яъни ўқитишнинг кафолатланган натижага олиб келувчи технологик жараёнга айлантирилишига олиб келди. Педагогик технологияларнинг қўлланилиши таълимни самарадорлигини ошириш, таълим олувчи шахсининг таълим марказида бўлиши ва мустақил билим олишини таъминлаш, ўқитишнинг фаолиятли, ривожлантирувчан, ташхисланувчан ва натижали бўлишига хизмат қилади.

Кенг қўламда амалга оширилаётган таълим ислохотлари таълимнинг илғор технологияларини ўрганиш ва ўқув - тарбия жараёнига жорий этишни тақозо қилади. Бу ўз навбатида педагог ходимлардан таълим соҳасига технологик ёндашувни, педагогик технология усулини эгаллашни педагогик амалиётда қўллаш ва ривожлантиришни талаб этади.

Технологик ёндашув мавжуд анъанавий ўқув жараёнига фақат- комплекс тарздагина эмас, педагоглар томонидан ўзлаштирилиши. методик қўлланмалар, ўқув-моддий база яратилишига қараб борқичма-босқич, айрим элементлари амалга оширилавериши ҳам мумкин. Бу биринчи навбатда педагогик технологиянинг муҳим қисми - предметлар ва мавзулар бўйича таълим мақсадларини аниқлаш усуллари тааллуқлидир.

Замонавий ўқитиш методларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятини, ўз-ўзини ўқитиш жараёнини узвий боғлиқ равишда ривожлантиради. Мавзу бўйича мукамал билимларга эга бўлиш имкониятини яратади ва дарсларда ўқувчи мустақил фикрлашни, ўз фикрини эркин баён қилишни, бошқаларнинг фикрини эшитишни ва хулоса чиқаришни ўргатади.

Таълимнинг амалга ошириш жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш қуйидагиларга асосланади:

- таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш;
- таълим мақсадининг натижага эришувини (кафолатланганлигини) амалга ошириш;
- таълим жараёни бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;
- таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари технологиясини ягона бир тизимга келтириш.

Илғор педагогик технологиялар ёрдамида ташкил этилган машғулотларда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, мавзунини ўрганишда мавжуд манбалардан тўғри фойдаланишга ва эркин мулоҳаза юритишга имконият яратилади. Шунингдек, ўқувчиларнинг дарсга қизиқишларини оширишга имконият яратилади. Ўқитувчи дарсда кузатувчи, бошқарувчи вазифасини бажаради. У дарсга тайёргарлик жараёнида изланиш, ўрганиш, яратиш орқали ўз устида тинимсиз ишлайди. Бундай дарсларда вақтдан унумли фойдаланиш, мақсадга самарали эришиш имконияти катта. Шу сабабли бундай технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш ўқитувчидан катта тайёргарликни талаб этади.

“Ишбоп ўйин” методи.

“Ишбоп ўйин”-берилган топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар-хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни имитация қилиш методи ҳисобланади. Ўйин фаолияти бирор бир ташкилот сифатида иштирок этаётган иштирокчининг хулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларини имитация этиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Шунинг учун ҳам вазифани бажариш жараёни индивидуал-гуруҳли характерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қилади, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ушбу шахсий вазифа бўйича мақсадга эришиш бутун гуруҳ аъзолари эришган натижаларга боғлиқдир. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гуруҳ эришган

натижаларига қараб баҳоланади.

“Ишбоп ўйин” методининг афзалликлари:

-ўқувчиларнинг билимлари ва тажрибаларини ўз қарашлари ва хулқлари орқали ифода этишга ёрдам беради;

- ўқувчиларнинг бошланғич билимлари ва тажрибаларини сафарбар этиш учун яхши имконият яратилади;

-ўқувчилар ўз билимлари доирасидан келиб чиққан ҳолда имкониятларини намойиш этиш учун шароит яратилади.

“Ажурли арра” технологияси

“Ажурли арра” (французча “ajour” – “бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган, икки томони очик”) методи ўқувчи (талаба)ларга яхлит муайян мавзунини бир нечта қисмларга ажратиш орқали моҳиятини ёритиш имконини беради. Талабалар тайёр матнлар билан ишлайдилар. Методни қўллаш тартиби:

- 1) ўқитувчи ўқувчиларни метод моҳияти билан таништиради;
- 2) уларни гуруҳларга ажратади;
- 3) ўзлаштириладиган материал матни бир нечта қисмларга ажратилади;
- 4) матнли материаллар жойлаштирилган пакет гуруҳларга тарқатилади;
- 5) гуруҳлар матнлардан фойдаланиб, топшириқни бажарадилар;
- 6) топшириқ бажарилгач, турли гуруҳлардан матнни яхши ўзлаштирган ўқувчилардан иборат экспертлар гуруҳи шакллантирилади;
- 7) эксперт гуруҳи аъзолари ўзлари ўзлаштирган материал мазмунини бошқаларга етказиш режасини тузадилар;
- 8) экспертлар гуруҳи аъзолари ўзлари ўзлаштирган материал мазмунини бошқа гуруҳларга ҳам ўргатадилар.

Натижада умумий мавзунини яхлитлиги бўйича ўзлаштириш таъминланади. Экспертлар гуруҳининг ҳар бир аъзоси олинган ахборотни маълум бир вазиятда қўллай олишини таъминлаш учун мавзу бўйича бирор муаммоли вазият гуруҳларга берилади ва ҳар бир гуруҳ ушбу муаммони тўғри ечимини топиши лозим. Муаммо ҳар бир эксперт гуруҳида муҳокамадан ўтказилгач гуруҳларнинг сардорлари муаммо билан гуруҳни таништиради ва унинг ечимини кўрсатиб беради. Машғулот сўнгида ўқувчилар билиминини текшириб кўриш ва баҳолаш учун ўрганилган материал бўйича экспресс тест ўтказилади. Ажурли арра усули ёрдамида ўқувчилар ўрганиладиган материал бўйича маълум билимга мустақил эга бўлиши, жамоа билан ишлаш малакасини олиши, ахборот билан алмашиш ҳамда жамоа бўлиб қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлади.

Идрок харитаси методи.

Идрок харитаси методи мавзу ёки ўқув материалининг графикли баён этиш усули бўлиб, ахборотларни тизимли, тартибли ва визуал ўзлаштириш

имконини беради. Идрок харитаси технологик жараёнларни амалга оширувчи мураккаб тузилмага эга техник қурилмалар қисмларининг бир-бирига сабаб оқибатли боғлиқлигини намоён этиш, уларни хотирада мукаммал сақлаб қолиш, тизимлаштиришда самарали омил ҳисобланади. Унда тармоқ қанча кўп бўлса, бу ўқув материални батафсил таҳлил этиш, биринчи даражали ўқув материаллиги имкон қадар диққат-эътибор қаратилишини олдиндан белгилаб олиш имконини беради. Бошқача айтганда идрок харитаси методи қафолатланган якуний натижани бериш имконига эга.

- Қўлланилиш мақсади ва шакли: маъруза машғулотларида - янги билимларни баён қилиш, жамоавий;
- семинар машғулотларида билимларни текшириш, мустаҳкамлаш, кичик гуруҳларда;
- мустақил таълимда — ижодий ишлаш, мантиқий фикрлаш малакаларини ривожлантириш, индивидуал;

“Т-жадвал” .

“Т-жадвал” графорганаизери ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини ёритиш мақсадида бир неча асосий белги, таянч тушунчаларнинг мазмуни уларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида очиқ берилади. Кўп ҳолларда мазкур технология мавзу асосини ташкил этувчи бир неча ҳолатларнинг афзалликлари ёки камчиликларини, самарадорлик ва самарасизлик даражасини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади. Усулни қўллаш тартиби:

- 1) талабалар эътиборига ўрганиладиган мавзу, масала ёки топшириқ ҳавола этилади;
- 2) талабалар “Т-жадвал” методини қўллаш шартлари билан таништириладилар;
- 3) талабалар гуруҳларга бириктириладилар;
- 4) ажратилган вақт оралиғида гуруҳ (жуфт)ликлар жадвал шаклида берилган топшириқ моҳиятига кўра қиёсий таққослашни амалга оширади, яъни жадвалнинг чап ва ўнг томонларига масаланинг бир-бирига зид ҳолатларни баён этадилар;
- 5) гуруҳлар томонидан тўлдирилган жадваллар ўзаро солиштирилади;
- 6) масаланинг ечими юзасидан якуний хулосага келиниб, ягона “Т-жадвал” шакллантирилади.

Ушбу технологиялар ёрдамида ташкил этилган машғулотларда талабаларнинг мустақил фикрлаши, мавзунини ўрганишда мавжуд манбалардан тўғри фойдаланиши ва эркин мулоҳаза юритиш, мақсадга самарали эришиш имконияти катта.

Янги педагогик технология таълим жараёни натижасида кутилиши лозим бўлган(кафолатланган) натижани олиш имкониятини беради. Бу элемент янги педагогик технологиянинг марказий ғояси ҳисобланади. Янги педагогик технология таълим жараёни натижасида кафолатли бўлишини талаб қилиш билан бирга, жараённинг боришини кўзда тутилган мақсадда амалга оширилиши ва натижали бўлишининг мақсадли режалаштирилишини ўқитувчи олдида мақсад қилиб қўяди. Жараён бориши давомида шу жараён таҳлил қилиниб борилади, тузатишлар киритилади, қайта тўлдиришлар амалга оширилади ва олдиндан кутилиш режалаштирилган натижа олинишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Холмухамедов М.М ва бош. Таълимий педагогик технологиялар (услубий қўлланма) Самарқанд – 2005 йил.
2. Авлиякулов Н.Х, Намозова Т.Н.Муаммоли ўқитиш технологиялари. Т.Фан ва технологиялар.
3. Саидахмедов Н.С. «Янги педагогик технологиялар», Тошкент, 2004 йил.